

## СУВ ОМБОРЛАРИ, ГИДРОУЗЕЛЛАР ҚУЙИ БЪЕФИДАГИ ЎЗАН ЖАРАЁНЛАРИ

*Сайидов М.Т., Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти  
“Дарё, канал ва инишоотлар гидравликаси” лабораторияси мудири, техника  
фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD, катта илмий ходим.*

*Довлатов З.Б., Хидирбаева Г.Н., Эрназаров А.К.*

*мустақил тадқиқотчилар,*

*Авезова М.Б., Исматова А., Зарипова Н., докторантлар.*

**Аннотация.** Гидротехника иншиотлари қуйи бъефига ўзан жараёнларининг шаклланиши, сабаблари ва назариялари таҳлил этилган..

**Калит сўзлар.** Гидроузел, сув омбори, тўғон, дарё ўзани, сув сатҳи, сарфи, эррозия, кўмилиши, ювилиши ва бошқалар.

Дарё ва каналлар ўзанларида жойлашган гидроузелларнинг қуйи бъефда ўзан жараёнлари – турли кўринишдаги деформациялари шаклида кузатилиб ўзаннинг ювилиш ва кўмилиши юзага келади. Бу масалаларда кўплаб олимларнинг тегишли тадқиқотлари мавжуд. С.Т.Алтунин, Ўрта Осиёдаги кўплаб дарёларда жойлашган гидроузеллар қуйи бъефидаги оқим ва ўзаннинг шаклланишида кузатиладиган ўзан жараёнлари кўмилиши, ювилиши ва бошқа кўринишдаги эррозия, деформацияларни ўрганиб муайян мухим тавсияларни бериб ўтган [1].

Э. М. Пилосов, Г. А. Цой [178] ва С. С. Мазавина, Сирдарёда Қайроқкум ГЭСнинг қуйи бъефидаги 3 км узунликдаги қийин ювилувчан жинслардан ташкил топган ўзанда умумий деформациянинг кўринишини баҳолайди. А. А. Логачев томонидан 1960 йилларга келиб мазкур участкада дарё ўзани тубининг ўртacha отметкаси 4 метргача пасайланлиги аниқланган. Ўзан тубининг ювилиши қарийиб 900 метргача (Қайроқкумдан-Тюменариққача) кузатилганлиги аниқлаган. Э.М.Факторович томонидан эса Цимлянский, Павловский ва бошқа гидроузеллар қуйи бъефига сув сатҳи отметкасининг пасайиши аниқланган, бунга бир қанча мисолларни келтиради. Ўзанда умумий ювилиш жараёни икки хил кўринишда чуқурлик ва қирғоқ эррозияси шаклида намоён бўлади. Мазкур икки жараён ҳам бир вақтнинг ўзида кузатилиб, интенсивлиги фарқли юзага келиши мумкин [2].

Масалан А. В. Серебрякова, Э. М. Факторовича ва Б.Ф. Балагурова, Цимлянский гидроузелининг қуйи бъефига (1952-1960 йй.) чуқурлик бўйича эррозия, деформация жараёнларини аниқлаган, бунда 400-500 м.куб/с сув оқимидағи сатҳи 1,2 метргача пасаяди ва кейинчалик қирғоқ, ён томон эррозияси

кузатилади. Қирғоқ эррозиясининг кузатилиши натижасида Сирдарёning Козогистон, Каргал тумани участкасидан ўтувчи қисмидаги ўзанида қирғоқ эррозияси йилига 30 метргача ўзгариб турган. Сирдарёда жойлашган Чордара гидроэлектр мажмуасининг қуий оқимида эса 1964-1970 йилларда дарё ўзанининг ўзгариши баъзи участкасида 400-600 метр масофада кузатилиб турган [2].

Дарё ва каналлар ўзанларида гидротехника иншоотлари, насос станциялар ва гидроузелларни лойиҳалашда, қуришда ўзаннинг барча турдаги деформациялари ювилиши, қўмилиши ва қирғоқ эррозияларининг ўзгаришини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Ўзанда сув сатҳининг кўтарилиши ёки тушиши билан умумий деформация кузатилишининг – гидротехник иншоотларга таъсирини баҳолаш лозим.

К.И. Россинский ва И.А. Кузьмин тадқиқотларига кўра Кубани дарёсида Краснодар гидроузелини ўзанда сув сатҳининг 2,5 метргача камайишини ҳисобга олиб қурилган. Дарёларда ўзаннинг деформациясини ҳисобга олмай қурилган гидроузеллардан кейинчалик фойдалана олмаслик ёки уларни самарали эксплуатация қилишга тўсиқ бўлади.

Бундан ташқари дарёларда ён томон қирғоқ эррозияларига, ўприлишларига (Амударёда қўпинча дейгиш ҳодисаси деб юритилади) тошқин ва бошқа аварияларга олиб келиши, аҳоли яшаш манзиллари, қишлоқ хўжалиги майдонлари ёки бошқа ижтимоий обьектларга ҳавф туғдириб, сув тошқинига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур жараёнларни тўғри бошқариш, аниқлаш ва баҳолаш учун физик ва математик моделлаштириш усулларидан, эмперик ва ярим эмперик тенгламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3].

И. И. Леви, В. Н. Гончаров, М. А. Великанов, Ц. Е. Мирцхулава, А. В. Карапашев, И. Ф. Карасев ва бошқа олимлар томонидан ўзандаги деформация ва эррозияларнинг барча турдаги кўринишлари ва уларнинг хусусиятлари ўрганилган [2].

К.И. Росинский ва И. А. Кузьмин, С. Т. Алтунин ва И.А. Бузунов томонидан ушбу вазифалар бўйича ишлаб чиқилган ва тавсия этилган ҳисоблаш усулларидан амалиётда шу кунга қадар фойдаланиб келинмоқда.

Ташқи омиллар ўзаннинг шаклланишига таъсир қилиб умумий эррозия, деформациялар содир бўлиши мумкин.

Ўзанларда умумий деформациянинг шаклланишини унинг юзага келиши ўзан тубининг аллювиал қатлами турига ҳам боғлиқ бўлади. Уларни ўрганиш шуни кўрсатадики, дарёларнинг шаклланиши турли географик ҳудудлар ва релефлар, тоғлар, водийлар, ўрмон ва чўллар каби турли тектоник шаклланган платформалар таъсирида намоён бўлиб, доимий ўзгариши кузатилади.

Ўзан туби – аллювиал ётқизиқларининг мураккаб ва хилма хиллиги билан изоҳланиб, унинг устки қатлами ювилувчан остики қатлами эса қаттиқ ювилмайдиган қатламдан иборат бўлиши ёки аксинча кузатилиши мумкин. Бу ўзаннинг бир жинс бўлмаган қатламни ифодалайди.

Н. И. Маккавеев Дон дарёси Цимлянский гидроузелининг 180-210 км қуий қисмида ўзан чуқурлигининг ортишини, ювилишни аниқлаган [2].

Умумий ювилиш – ўзаннинг деформацияси, нишабликнинг камайиши ва оқимнинг юувучанлик қобилятининг ортиши, кейинчалик оқимнинг ювилиш ва ҳақиқий тезликларнинг тенглашиши билан изоҳланади. Бундай ҳолатлар сув омборлари қуий бъефи ўзанларида кузатилади.

Агар гидроузелдан пастки беъфга оқим билан лойқа чўкиндилар кирса оқимнинг ташувчанлик қобиляти бир оз камайиб кейинчалик ўзандаги ювилиш тўхтайди. Бунга мисол қилиб Зарафшон дарёсидаги гидроузелларни, шунингдек Корадарёда Кампирровот, Сўх дарёсидаги Сариқўрғон гидроузеллари қуий қисми ўзанларини белгилаш мумкин.

Аниқланган ўлчов натижаларига кўра, гидроузелларнинг юқори босимли бъефидаги чўкиндиларнинг пастки қуий бъефга ўтиши доимий кузатилиб кўмилишга олиб ҳам келади. Бундай шароитда қуий ўзанда кўмилиш кузатилиб, сув сатҳининг ортиши кузатилади. Мазкур қуий бъефда оқимнинг ташувчанлик қобиляти пасаяди, кейинчалик максимал сарфдаги ёки оқим лойқалиги кичик бўлган сув сарфининг чиқарилиши билан, ўзаннинг кўмилган участкаси ювилиб табиий нишабликка ва тубига эга бўлади ва шундай жараён алмасиб туради, меъёридан ортиқ сув ҳажмининг чиқарилиши катострафик вазиятга олиб келади. Шу сабабли дарё ўзанларида жойлашган гидроузелларни белгиланган фойдаланиш тартиблари асосида бошқариш – юқори ва қуий бъефдаги жараёнларни бошқариш ва келиб чиқиши мумкин бўлган салбий вазиятларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Гидроузеллар, гидротехника иншоотларнинг қўйи бъефидаги ўзан деформацияларини башоратлаш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилган. Е. А. Замарин, И. И. Леви, С. Т. Алтунин, В. Н. Гончаров, М. А. Великанов, И. А. Кузьмин, Ф. Ш. Мухамеджанов, Б. Балакаев, А. Ф. Печкуров ва Ф. В. Саплюков ва бошқа кўплаб олимлар томонидан ҳисоблаш усуллари ва баҳолаш тартиблари ишлаб чиқилган [2].

Умумий деформация–оқимнинг ҳаракати натижасида юзага келадиган ўзаннинг шакли; унинг шаклланиши чўкиндиларнинг фракцион таркиби ва ўзан туби грунтининг турига боғлиқ ҳолда юзага келади. Ўзан жараёнларини таҳлил қилиш ва баҳолашда ўзаннинг турғунлиги, ўзгармаслиги ва тибиий нишабликка ва тубига эгалигини сақлаб қолиш унинг барқарорлигини изоҳлашини келтириб ўтганлар.

Республикамиз сув хўжалиги тизимида бундай объектлари кўплаб мавжуд бўлиб, масалан Амударёning ўрта оқими охирида ва қуий оқими бошида ўзанда жойлашган Туямўйин сув омборини келтиришимиз мумкин. Ушбу сув омборининг эксплуатация жараёнлари қуийда дарё ўзанининг тузилиши таъсир қилади. Шу ўринда биз, юқорида номи келтирилган етук олимларнинг хулоса ва таклифлари, тавсияларидан фарқли ва уларга қўшимча равишда амалиётда ўз аксини топган қуийдаги назарияларимизни берамиз, баҳолаймиз.

*Амударёning Туямўйин сув омборидан қуий қисмида ўзан жараёнлари турларининг шаклланиши 2 омилга боғлиқ бўлади [4].*

*1. Туямўйин сув омбори иш режимига, яъни ундан чиқариладиган сув ҳажми, муддатига (кунлик, соатлик,);*

*2. Лойқалик миқдорига боғлиқ ҳолда юзага келиши назариясини илгари сурәмиз.*

Мазкур омиллар таъсирида Амударёning қуий қисмида ўзан трассаси шаклланади. Туямўйин сув омборида сувнинг йиғилиши, сақланиши ва талабга қараб қуий беъфга чиқарилиши ўзан шаклланишига муайян салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиб, бу ерда табиий дарё оқимдан фарқли равишида объект ва инсон омили таъсирида табиий дарё оқимдан бошқарилган дарё оқими тартибига ўзгаради. Агар ҳеч қандай иншоот ёки сунъий таъсир кўрсатилмаганида эди, дарёning бу табиий оқими ҳаракати кузатилар эди. Шунинг учун Амударёning Туямўйин сув омборидан қуий қисми мазкур (зарегулирование) бошқарилган дарё оқими деб белгиланишини қайд этилади. Шу ўринда, сув омборида сувнинг чиқарилишини мақбул бошқариш орқали юқори самарага, (жумладан тошқинларнинг олдини олишга, қирғоқ емрилишига, ҳаттоки сувни тежашга (бунда фильтрацияни камайтириш, ўзанда оқим, сувни етказиш муддатини камайтириш, яъни ҳисоб китоблар орқали мақбул сарфни тез етказиш)) каби бир қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Туямўйин сув омборида оқимни бошқариш билан Амударё бошқарилди, яъни ўзанинг шаклланиши шунга боғлиқ бўлади. Бу ўринда сув омборидан белгиланган мъёрда, сарфда сувнинг чиқарилиши бу дарёдаги тошқинлар кузатилиши ва қирғоқ мустаҳкамлигини сақлаб қолишга имкон беради. Юқори сарфдаги сувнинг чиқарилиши эса тошқин, қирғоқ емрилиши, ўзанинг турли кўринишда шаклланишига олиб келади. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, айнан Туямўйин сув омборидан 2 км пастда жойлашган Туямўйин гидропостида ўзанинг кўмилиши кузатилиб юқори сарфдаги сувнинг чиқарилиши билан Амударёning мазкур учаскаси ўзанининг кўмилиши яна сув билан ювилиб кетганлигини аниқланди. Бу жараён тез тез такрорланиб алмашиб туриб, ўзан ўзининг чуқурлик бўйича деформациясини намаён этиши ва яна қайта ўз ҳолатига келиши аниқланди.

Умумий хулоса қилинганида Тұямұйин гидропостида ўзан жараёнлари кескин күмилиши ва кейинчалик ювилиши аниқланиб, ҳозирга қадар барқарорлиги сақлаб келмоқда [5].

Юқорида көлтирилған 2-омил бу – оқим лойқалиги ҳисобланади. Табиий үлчов ва кузатишларимиз ҳақиқаттан ҳам шуны тасдиқтайды, ўзан сув омбори юқори бъефидан келаётган оқим ҳажмини босим ҳосил құлмасдан түғридан түғри Амударёning қуи қисмiga чиқарилиши билан бирга ундағи оқим лойқалиги ҳам ўзгаришсиз чиқарилади. Ва аксинча юқори бъефдан келаётган оқим ҳажмини сув омборида йиғиши, сақлаш ҳисобига оқимнинг лойқалиги ўзанда тиндирилади ва кейинчалик ундан сўнг қуи бъефга тиндирилған лойқалиги кам бўлган сувнинг чиқарилади. Ўзан жараёнларининг шаклланишида мазкур омил ҳам ўз таъсирини ўтказади.

**ХУЛОСА:** Дарёning морфологик тузилиши сув сатҳи ва сарфининг ўзгариши билан доимий ўзгариб туради. Сув сарфининг қанчалик ортиб бориши билан сув сатҳи ҳам ошиб боради, бундай ҳолда табиий шароитида ўзаннинг барқарорлик кўрсаткичи камайиб боради. Ушбу табиий критериялар кейинчалик ҳақиқий кўрсаткичга эга бўлиб, турли кўринишдаги ўзан жараёнларни номоён эта бошлайди. Юқоридаги омилларни ўзаро мувофиқ ҳолда мақбул бошқариш асосида Амударёning қуи оқимида дарёда сув ресурсларини тежаш, самарали фойдаланиш ва юқори иқтисодий натижага эришиш мумкин ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алтунин С.Т. О заилении верхнего бьефа и размыве русла в нижнем бьефе плотины. – Гидротехническое строительство, 1954, №4. С. 58
2. В.С.Лапшенков. Прогнозирование русловых деформаций в бьефах речных гидроузлов. Гидрометеоиздат, 1979 г, с.249.
3. Исмагилов Х. А. Селевые потоки, русловые процессы, противоселевые и противопаводковые мероприятия в Средней Азии. Ташкент.2006. С. 262.
4. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, “Тұямұйин сув омборининг қуи қисмida Амударёда ўзан жараёнлари турларини баҳолаш, қирғоқ мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги (ВТК-3/2023 й) илмий-тадқиқот иши, 96-бет.
5. Сайдов М.Т., Довлатов З.Б, Шодмонов С.А., Хидирбаева Г.Н., “Методы расчёта русловых процессов на основе корреляционного анализа на Туюмуюнском гидропосту р.Амударья”. “Гидротехническое строительство” журнали. Россия. 2023 йил. август. №-8 сони., 50-56-бетлар.
6. Maximudovna, R. M., Mirsharif, E., & Eshpo'latov, J. (2024). SUG ‘ORILADIGAN MAYDONLARNING YER OSTI SUVLEARINI MONITORING QILISH (BUXORO VILOYATI MISOLIDA). TADQIQOTLAR. UZ, 36(3), 47-53.

- 7 The drip irrigation method is a guarantee of high yields JA Dustov, NS Xusanbayeva, MM Radjabova - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2022
- 8 НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ВЛИЯНИЯ ПОДЗЕМНЫХ ИСТОЧНИКОВ НА ГОДОВОЙ ПРИРОСТ РАСТЕНИЙ В СОВРЕМЕННЫХ ПРИРОДНЫХ УСЛОВИЯХ ШР Ахмедов, ИН Турсунов, ММ Ражабова - Экономика и социум, 2022
- 9 Sug'orishda yer osti suvlaridan ratsional va ekologik xavfsiz foydalanishning ilmiy asoslari (kungaboqar misolida) SR Axmedov, IN Tursunov, MM Rajabova, SH Hakimov - Science and Education, 2022
- 10 Scientific basis of rational and ecologically safe use of groundwater in irrigation (in the case of sunflower) SR Akhmedov, IN Tursunov, MM Rajabova... - Global Scientific Review, 2022
- 11 Scientific basis of the effect of groundwater sources on annual plant growth in current natural conditions SR Akhmedov, XT Tuxtaeva, ZU Amanova... - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2023
12. Application of drip irrigation technology for growing cotton in Bukhara region  
B Matyakubov, D Nurov, M Radjabova, S Fozilov - AIP Conference Proceedings, 2023
- 13 СИСТЕМА ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ РАБОТНИКОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ ММ Раджабова, ХХ Ниязов, С Улмасов, А Зулфиев - Scientific Impulse, 2023
14. ANTHROPOGENIC LANDSCAPES AND PROSPECTS OF ECOTOURISM IN THE AREA OF THE BURGUNDY RESERVOIR. MM Radjabova, NR Davitov, AA Zulfiyev, S Shodiyev - Finland International Scientific Journal of Education ..., 2023
15. Scientific basis of the effect of groundwater sources on annual plant growth in current natural conditions SR Akhmedov, XT Tuxtaeva, ZU Amanova... - IOP Conference Series: Earth and Environmental ..., 2023  
<https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/1138/1/012034/meta>
16. ЗАПАСЫ ПОДЗЕМНЫХ ВОД БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ И ИХ ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ММ Раджабова, А Зулфиев, М Эргашев - СОВРЕМЕННАЯ НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ ..., 2023
17. НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ВЛИЯНИЯ ПОДЗЕМНЫХ ИСТОЧНИКОВ НА ГОДОВОЙ ПРИРОСТ РАСТЕНИЙ В СОВРЕМЕННЫХ ПРИРОДНЫХ УСЛОВИЯХ ШР Ахмедов, ИН Турсунов, ММ Ражабова - Экономика и социум, 2022

- 18.Rajabova, M. M. (2023). HYDROGEOLOGICAL RESEARCH OF CONSUMPTION AND POLLUTION OF UNDERGROUND WATER. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(18), 234-236.
- 19.Rajabova, M. M., & Azimova, G. Z. A. (2024). SPECIFIC ASPECTS OF PLOWING PERIODS AND PLOWING DEPTH. *Educational Research in Universal Sciences*, 3(2), 418-421.
- 20.Rajabova, M. M., Jo'raqulov, F. F., & Eshpo'latov, J. R. (2024). PARTICULAR ASPECTS OF SOIL POROSITY AND CAPILLARITY IN PRACTICE. *Educational Research in Universal Sciences*, 3(2), 425-428.
- 21.Xabiba, T., Mahliyo, R., Ravshan, C., & Mirsharif, E. (2023). QISHLOQ XO'JALIGIDA YER OSTI SUVLARIDAN SAMARALI FOYDALANISHNING ILMUY ASOSI (BUXORO VILOYATI MISOLIDA). In *Uz-Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 465-470).
- 22.Jaxongir, D. S., Mahliyo, R., Ravshan, C., & Nazokat, R. (2023). BUXORO VILOYATI YER USTI VA YER OSTI SUV RESURSLARI. In *Uz-Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 474-475).
- 23.Mahliyo, R., & Go'zal, A. (2023). SUG'ORILADIGAN MAYDONLARDA SUV RESURSLARIDAN (YER OSTI SUVLARIDAN) SAMARALI FOYDALANISHNI ILMUY ASOSLASH (BUXORO VILOYATI). In *Uz-Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 492-497).
- 24.Maxmudovna, R. M., Mirsharif, E., & Oxunjon, R. (2023). SUG'ORILADIGAN MAYDONLARDA SUV RESURSLARIDAN (YER OSTI SUVLARIDAN) SAMARALI FOYDALANISHNI ILMUY ASOSLASH (BUXORO VILOYATI MISOLIDA) SUG 'ORILADIGAN MAYDONLARNING MELIORATIV HOLATIGA BOSIMLI SIZOT SUVLARINING TA'SIRI. *Journal of new century innovations*, 37(1), 199-203.
- 25.Maxmudovna, R. M., Beshimov, S. T., Ergashev, M., & Zulfiyev, A. A. (2023). SUG 'ORILADIGAN MAYDONLARNING MELIORATIV HOLATIGA BOSIMLI SIZOT SUVLARINING TA'SIRI. *Journal of new century innovations*, 26(2), 78-83.
- 26.Maxmudovna, R. M., Shodiyor, S., & Jo'rabek, E. (2024). THE PRIMARY FEATURES AND INDICATORS OF SUBTERRANEAN WATER. *PEDAGOG*, 7(2), 14-20.
- 27.Mahmudovna, R. M., Boburjon, A., & Jo'rayeva Shaxrizoda, A. G. Z. (2024). RECOMMENDATIONS ON IMPROVING THE HYDRODYNAMIC CONDITION OF KARAVULBAZAR DISTRICT OF BUKHARA REGION. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(1), 277-280.

- 28.Toshevna, T. X., Mahmudovna, R. M., & Shodiyor, S. (2024). BUXORO VILOYATI BUXORO TUMANI GIDRODINAMIK HOLATINI YAXSHILASH BO'YICHA TAVSIYALAR. *QISHLOQ XO'JALIGI VA GEOGRAFIYA FANLARI ILMIY JURNALI*, 2(2), 1-5.
- 29.Maxmudovna, R. M., Shodiyor, S., & Jurabek, E. (2023). GROUNDWATER MONITORING OF IRRIGATED AREAS (IN THE CASE OF BUKHARA REGION). *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 3(2).
- 30.Hasanov, X. X., Radjabova, M. M., Eshpo'latov, J., & Rajabov, O. (2024). MELIORATIV KADASTRNI YURITISH VA MONITORING NATIJALARI. MELIORATIV KADASTRNING QISHLOQ VA SUV XO 'JALIGIDAGI AHAMIYATI. *PEDAGOGS*, 53(1), 201-205.

